



3

40704, Иштихон шаҳри, Иштихон кўчаси-4-уй  
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, г. Иштихан ул. Иштиханская д.4,  
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

016 у.г «24» октябрь

№ 9686-15

Иштихон ш.-г.Иштихан

Митан шаҳарчаси А.Темур кўчаси худудидан фуқаро Халилов Акмалга “Ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш” учун ер майдони ажратилган тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли Тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартибларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш тўра-тадбирлари тўғрисида”ги, қарорни ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 26 сентябрдаги 03/3-479-1-сонли, 9-сонли баённомасига асосан, фуқаро Халилов Акмалнинг танлов ғолиби деб эътироф этилган баённомани, Давархитектқурилиш кўмитасининг Регламентига асосан “Ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш” объектини жойлаштириш бўйича “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” институтидан олинган 2015 йил 18-ноябрдаги 1-10/4762-сонли ижобий хулосани, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 9-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 26 сентябрдаги 03/3-479-1-сонли, 9-сонли баённомаси, Давархитектқурилиш кўмитасининг Регламентига асосан “Ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш” объектини жойлаштириш бўйича “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” институтидан олинган 2015 йил 18-ноябрдаги 1-10/4762-сонли ижобий хулосаси ҳамда туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 9-сонли далолатномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Иштихон тумани Митан шаҳарчаси А.Темур кўчаси худудида жойлашган туман хокимлиги захирасида бўлган, кишлок хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер тоифасидаги ер майдонидан фуқаро Халилов Акмалга “Ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш” учун 600,0 (олти юз) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Халилов Акмалга ажратилган ер майдонида “Ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш” бўйича белгиланган тартибда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасидан давлат экологик экспертиза хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш қилиш, “Ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш”ни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари Р.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими

Ш.Негматов